


«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Туронбанк» АТБ
Кузатув Кенгаши қарори билан

Кузатув Кенгаш раиси


Ж.Х.Каршибаев

№К-40 «8» июле 2024 йил



«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»
Ўзбекистон Республикаси
Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги

Директорининг биринчи ўринбосари


В.Пак

№Р049627 «20» август 2024 йил

М.Ў.

Кўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги ҚАРОР

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки

Берилган идентификация рақами:

R	U	2	2	7	P	0	4	9	6	R	2
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги номинал қиймати 1 700 (бир минг етти юз) сўм бўлган 99 999 999 300 (тўқсон тўққиз миллиард тўққиз юз тўқсон тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг уч юз) сўмлик 58 823 529 (эллик саккиз миллион саккиз юз йигирма уч минг беш юз йигирма тўққиз) дона айирбошланадиган имтиёзли акциялар.

Мазкур акциялар очик обуна орқали жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши XXVII (йигирма еттинчи) чиқарилишдир.

«Туронбанк» АТБ Кузатув Кенгашининг 2024 йил 8 июлдаги К-40-сонли мажлис баённомаси билан кўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор тасдиқланган.


«Туронбанк» АТБ Кузатув Кенгашининг 2024 йил 8 июлдаги К-40-сонли мажлис баённомаси билан кўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: 100011, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4А-уй.

Тел.: 71-202-01-01, 71-244-92-75;

Электрон почта манзили: info@turonbank.uz, расмий веб сайти: www.turonbank.uz.

Бошқарув Раиси


Ч.С.Мирзаев

Бош бухгалтер


Ш.Э.Бозоров



_____ 2024 йил

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли):	Айирбошланадиган имтиёзли акциялар
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли:	хужжатсиз
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм):	1 700 (бир минг етти юз) сўм
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона):	58 823 529 (эллик саккиз миллион саккиз юз йигирма уч минг беш юз йигирма тўққиз) дона
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм):	99 999 999 300 (тўқсон тўққиз миллиард тўққиз юз тўқсон тўққиз миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг уч юз) сўм

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

Ҳар бир айирбошланадиган имтиёзли акция акциядорга куйидаги ҳуқуқларни беради:

- Банк акциядорлари реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Фойдани тақсимлашда дивидендларни устувор равишда олиш;
- Банк тугатилган тақдирда, унинг мулкани тақсимлашда акциядорга тегишли имтиёзли акцияларнинг тугатиш қиймати доирасида устувор иштирок этиш;
- Банк кўрсатадиган хизматлар ва уларнинг баҳоси ҳақида ахборот олиш;
- Банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш, бундан банк сирини ташкил қилувчи маълумотлар мустасно;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- Айирбошланадиган имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилишида банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этадилар.
- Айирбошланадиган имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар айирбошланадиган имтиёзли акцияларни айирбошлаш муддати тугаганидан кейин 30 кун давомида банкдан айирбошланадиган имтиёзли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилишга ҳақли.
- Акциядорлар қонун ҳужжатларида ва Банк уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Банк Уставида ва чиқариш тўғрисидаги қарорда жойлаштирилаётган акцияларни олинишига нисбатан куйидаги чекловлар мавжуд:

Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталидаги:

- беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни;
- йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;

-эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

Норезидент бўлган жисмоний шахсларнинг ва халқаро молия институтлари, чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари бўлмаган юридик шахсларнинг жами улуши банк устав капиталининг эллик фоизидан ошмаслиги керак.

Куйидагилар Банк акцияларига эгалик қилишлари мумкун эмас:

-имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охириги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий оператцияларни ўтказишда ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ва ҳудудда яшайдиган норезидент бўлган жисмоний шахслар ҳамда шундай давлатда рўйхатга олинган юридик шахслар, акциядорлар (иштирокчилар), охириги бенефициар мулкдорлар.

-қайси норезидентларнинг иштирокчилари (акциядорлари) ҳамда охириги бенефициар мулкдорлари имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охириги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни назарда тутмайдиган давлатда ёки ҳудудда рўйхатга олинган бўлса, ўша норезидентлар.

Банкнинг имтиёзли акциялари эгаси бўлган акциядорлари чиқарилаётган акцияларни ўзларига тегишли бўлган шу турдаги акцияларга мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига эгалар.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 1 484 142 425 200 сўм

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

а) чиқарилган қимматли қоғозларнинг умумий сони, донада 873 024 956

б) чиқарилган қимматли қоғозларнинг тури ва уларнинг

турлари бўйича сони:

эгаси ёзилган оддий акциялар, дона 868 057 456

эгаси ёзилган имтиёзли акциялар, дона 4 967 500

в) чиқариш шакли: ҳужжатсиз шаклда

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Банк облигацияларининг I (биринчи) чиқарилуви 2010 йил 30 сентябрь куни P0855-сон билан рўйхатга олинган:

а) чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли -Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (нақдсиз) фоизли облигациялар

б) чиқарилишдаги облигациялар сони - 3 000 (Уч минг) дона

в) чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати, сўм - 1 000 000,0 (Бир миллион) сўм

г) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича) сўм - 3 000 000 000,0 (Уч миллиард) сўм

Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2015 йил 27 ноябрдаги 15-07/186-сонли қарорига асосан, P0855-рақам билан давлат рўйхатига олинган корпоратив облигациялар чиқарилувига асосан чиқарилган корпоратив облигациялар ва миллий идентификация рақами (RU301P0855R0) облигацияларнинг муомала муддати тугаганлиги сабабли бекор қилинган.

Банк облигацияларининг II (иккинчи) чиқарилуви 2013 йил 26 апрель куни P0855-2 сон билан рўйхатга олинган:

а) чиқарилишдаги облигациялар сони ва шакли - Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (нақдсиз) фоизли облигациялар

б) чиқаришдаги облигациялар - 3 000 (Уч минг) дона

в) чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал - 1 000 000,0 (бир миллион) сўм қиймати, сўм

г) чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати - 3 000 000 000,0 (уч миллиард) бўйича) сўм сўм

Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2018 йил 28 майдаги 15-07/023-сонли қарорига асосан, P0855-2-рақам билан давлат рўйхатига олинган корпоратив облигациялар чиқарилувиغا асосан чиқарилган корпоратив облигациялар ва миллий идентификация рақами (RU302P0855R8) облигацияларнинг муомала муддати тугаганлиги сабабли бекор қилинган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).

Ушбу чиқарилаётган айирбошланадиган акциялар очиқ обуна йўли билан чекланмаган шахслар орасида жойлаштирилади. Бунда, банкнинг имтиёзли акциялари эгаси бўлган акциядорлари чиқарилаётган акцияларни ўзларига тегишли бўлган шу турдаги акцияларга мутаносиб равишда имтиёзли олиш ҳуқуқига эгалар.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби).

Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)

Ушбу чиқарилаётган акциялар қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб бир йил муддат ичида жойлаштирилади.

Жойлаштиришни бошланиш санаси - ушбу қўшимча акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ва имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ахборот эълон қилинган кундан эътиборан 15 (ўн бешинчи) кун, бироқ имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқининг амал қилиш муддати ўтгунига қадар жамиятнинг барча имтиёзли акция эгаси бўлган акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, акцияларни жойлаштириш ушбу аризалар келиб тушган кундан кейинги иш кунини, лекин қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот белгиланган тартибда ошкор қилинганидан кейин камида икки ҳафта ўтгач бошланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси банк ҳисоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунини бошланади.

Жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишдаги энг охириги акция жойлашган кун, лекин қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар).

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси

ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиргиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.).

Акцияларни жойлаштириш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, Қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиси орқали савдо қоидаларига асосан амалга оширилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш бўйича андеррайтерлар жалб қилинмайди.

Ушбу чиқарилишдаги имтиёзли акцияларни Банкнинг оддий акцияларига айирбошлаш шартлари ва тартиби:

айирбошлаш муддати: айирбошланадиган имтиёзли акцияларни Банкнинг оддий акцияларига айирбошлаш, ушбу чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб 72 ой ўтганидан кейин амалга оширилади.

айирбошланадиган имтиёзли акциялар эгаси ёзилган ҳужжатсиз оддий акцияларга Банк бошқарув органининг ушбу чиқарилишдаги айирбошланадиган имтиёзли акцияларни Банкнинг оддий акцияларига айирбошлаш тўғрисидаги қарорига асосан, акциялар сонига мутаносиб равишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва Банк Уставига мувофиқ амалга оширилади, яъни айирбошланадиган битта имтиёзли акция Банкнинг битта оддий акциясига айирбошланади.

Ушбу чиқарилишдаги айирбошланадиган имтиёзли акцияларни Банкнинг оддий акцияларига айирбошлаш тўғрисидаги Банк бошқарув органининг қарори айирбошлаш муддати тугаган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмасдан қабул қилинади.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Банк томонидан чиқарилган давлатга тегишли акциялар бўйича эгалик ҳуқуқларини ҳисобини юритиш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси акциядорлик жамияти:

Манзили: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси 107, 3-қават, телефон: 267-37-42, факс: 267-36-42, расмий веб-сайт: www.deponet.uz электрон манзили: info@deponet.uz

Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни қайд этувчи инвестиция воситачиси тўғрисидаги маълумотлар:

«Alkes Research» МЧЖ

Манзили: 100011, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навий шоҳ кўчаси, 3-76, Телефон – 998 (99) 928-88-29, e-mail: info@alkesresearch.com, веб-сайт: www.alkesresearch.com;

Касбий фаолият билан шуғулланиш учун лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, ушбу лицензияни берган орган: Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун 2022 йил 28 февралда берилган 1434-сонли лицензия, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан чекланмаган амал қилиш муддати билан берилган.

«Birinchí Banklararo Depozitariy» МЧЖ

Манзили: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси 15 уй, телефон:

233-29-07, факс: 233-06-52, расмий веб-сайт: www.bbd.uz электрон манзили: bbd_1@mail.ru
«Kapital-Depozit» МЧЖ

Манзили: 100052, Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, Оккургон кўчаси 25 уй, телефон:
286-20-32, факс: 286-20-31, расмий веб-сайт: kapdepo.uz электрон манзили: info@kapdepo.uz

11.5 Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.).

Банк акцияларини олишда имтиёзли ҳуқуқга эга акциядорлар рўйхати Банк Кузатув Кенгашининг 2024 йил 8 июлдаги К-40-сонли қарорига асосан, 2024 йил 8 июль ҳолатига шакллантирилган банк акциядорлари реестри маълумотлари асосида тузилади.

Банк акцияларини чиқариш тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган ўз акциядорларига акцияларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар микдорига мутаносиб микдорда сотиб олиш таклифини билдиради.

Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланишнинг амал қилиш муддати билдиришнома эълон қилинган кундан бошлаб 14 (ўн тўрт) кунни ташкил этади.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддатидан аввал жамиятнинг барча имтиёзли акция эгаси бўлган акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор имтиёзли акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни банкка юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида банкка тақдим этилиши керак.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.

Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.).

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш, шу жумладан имтиёзли ҳуқуққа эга акциядорлар ўртасида жойлаштириш 1 700 (бир минг етти юз) сўмдан амалга оширилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).)

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштирилдиган

хужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган).

Акциялар учун тўловлар пул маблағлари билан нақд ва нақдсиз шаклда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - сўмда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 36-моддасига асосан акцияларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амал қилиш даврида тўловлар, юридик шахслар учун нақдсиз шаклда – пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар учун нақд – банк кассасига топшириш йўли билан ва нақдсиз шаклда – талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамлари орқали, шу жумладан пластик карточкалар орқали ҳам амалга оширилади, бунда акциялар учун пул ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган тўловлар «Туронбанк» АТБ Тошкент шаҳар банк хизматлари марказининг қуйидаги ҳисоб рақамига қабул қилинади:

Ҳ/р: 2983 0000 2000 0044 6354, МФО 00446, СТИР 201 055 108;

Банк жойлашган манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4а уй.

Акциялар учун нақд шаклдаги тўловлар «Туронбанк» АТБнинг барча банк хизматлари марказлари томонидан қабул қилинади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган, деб топилган тақдирда, эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун тўланган пул маблағлари банк томонидан 10 (ўн) кун ичида акциядорларга тўлиқ қайтариб берилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Банкнинг қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорининг асли билан Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4А-уйда жойлашган Бош банкда ҳамда нусхалари билан банкнинг барча филиалларида танишиш мумкин.

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот Корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz), «Тошкент» Республика фонд биржасининг расмий веб сайтида (www.uzse.uz) ҳамда «Туронбанк» АТБнинг расмий веб сайтида (www.turonbank.uz) қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор этилади.

13. Бошқа маълумотлар:

Банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи:

«Туронбанк» Акциядорлик тижорат банки

«Туронбанк» АТБ

«Turonbank» aksiyadorlik tijorat banki

«Turonbank» ATB

Акционерный коммерческий банк «Туронбанк»

АКБ «Туронбанк»

Joint-stock commercial bank «Turonbank»

JSCB «Turonbank»

Эмитентнинг рўйхатга олинган рақами ва санаси - 1990 йил 31 декабрь, 8-сон.

Лицензия рақами:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2021 йил 25 декабрда берилган 8-рақамли Банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия.

Эмитентнинг асосий фаолият тури - банк фаолияти.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги вакиллик ҳисобрақами:
10301000000009011001

Банкнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли – акциядорлик жамияти.

Манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4А-уй.

Солиқ органининг номи ва СТИР коди:

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани Давлат солиқ инспекцияси, СТИР 201 055 108

Хос рақами (ОКПО) код 14825394

ХХТУТ бўйича асосий фаолият тури код 96120

МШТ бўйича мулкчилик шакли код 144

ТХШ бўйича ташкилий ҳуқуқий шакли код 1150

Манзили бўйича МХОБТ тўлиқ хос рақами код 1726277